

ХИТОЙ ТИЛИДА МАЖҲУЛ НИСБАТЛИ ГАПЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Д. Худойберганова
Хитой тили ва адабиёти кафедраси
иккинчи курс магистранти

Мақоланинг қисқача аннотацияси: мақолада хитой тилининг асосий компонентларидан бўлиб қолаётган “把” ва “被” олд кўмакчиларининг грамматик ва семантик хусусиятларини, уларнинг гапдаги функцияларини ўрганишга бағишланади.

Ҳозирги хитой тили грамматикасининг назарий асосларини батафсил ёритиб берган Ван Лининг “Хитой тили грамматикаси асослари” номли илмий рисоласида “把” ва “被” олд кўмакчиларининг грамматик ва семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда биргаликда ўрганишни тавсия этади. Ван Лининг эътироф этишига кўра, “把” ва “被” олд кўмакчилари бирламчи феъл сўз туркумига мансуб бўлиб, кейинчалик эса ёрдамчи сўз категориясига ўзлаштирилган. Ёрдамчи сўзлар деб, гап таркибидаги бошқа феълга бириккан ҳолда бирон бир воқеа-ҳодисани тавсиф этишда кўмак берувчи морфемалар тушунилади. Айнан шундай хусусиятга эга бўлган феълларни ҳозирги хитой тили грамматикасида ёрдамчи феъллар деб юритамиз. “把” ва “被” олд кўмакчиларининг гапдаги функциялари турлича бўлсада, бироқ улар иштирок этган грамматик конструкциялар бир қанча ўхшашликларга эгадир. Шунинг учун Ван Ли бу икки олд кўмакчининг таърифини бир бўлимда изоҳлайди.

Бирламчи “把” олд кўмакчиси “қўлда ушлаб турмоқ” маъносини англатган. Ҳозирги кунга келиб эса мазкур олд кўмакчи ёрдамчи сўз туркумига мансуб олд кўмакчи вазифасида қўлланилиб, “таъсир ўтказувчи ёки бирон бир предметга нисбатан ҳаракатни бажарувчи” конструкция деб ҳам юритилади.

Ван Ли 把 олд кўмакчиси билан бир ҳилликка эга бўлган “被” олд кўмакчиси иштирокидаги гапларни “пассив конструкция” деб юритади. Агар кесими феъл билан ифодаланган дарак гапларда ҳаракат эгадан англашилса мазкур гаплар актив қурилмага эга бўлган гап деб ҳисоблаймиз. Бунга мисол тариқасида 他打了你 *У сени урди* тартибида тузилган гапни келтиришимиз мумкин. Мазкур гапда эга 他 “у”, феъл билан ифодаланган ҳаракат “打” урмоқ шу ҳаракатни бажарувчиси 他 “у” дан англашилади. Ван Ли феъл кесимдан англашилган иш ҳаракат эгага қаратилган бўлса, мазкур тартибда тузилган гапларни пассив гаплар, яъни мажҳул нисбатли гаплар деб атайди¹.

Одатда бирон бир ҳодисани таърифлашда биз актив конструкцияли гаплардан фойдаланамиз. Пассив конструкцияли гаплар эса фақатгина истисно тариқасида ишлатилади. Шу билан бир қаторда актив конструкцияли ва пассив конструкцияли гаплар нафақат маъно жиҳатидан, балки функцияси

¹ Ван Ли. Основы китайской грамматики. Москва, “Иностранная литература”. 1984 г., 127 стр.

жихатидан тамомила бир хилдир. 他打了你 У сени урди каби кўринишдаги гапда мен “У” ҳақида хабар етказмоқчи бўламан, 你被他打了 Сен у тарафидан урилдинг каби кўринишдаги гап билан эса мен “сен” ҳақингдаги хабарни етказмоқчи бўламан. Баъзан биз актив ёки пассив конструкцияли гапларни матннинг шартларидан келиб чиққан ҳолда танлаймиз. Масалан, 你被他打了, 却不怎还手. Сен у томонидан урилдинг, бироқ унга жавоб қайтармадинг. Ушбу гапни ифода этиш учун пассив конструкциядан фойдалангаимиз маъқулроқ. Агар 他打了你, 你却不怎还手 у сени урди, бироқ сен унга жавоб қайтармадинг ушбу гапда 你 сен сўзи икки марта ортиқча қўлланилган ва шу билан бирга мазкур гапнинг ҳар икки қисми ҳам нисбатан камроқ боғланганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ван Ли ҳар қандай актив конструкцияли гапларни пассив конструкцияли (мажхул нисбатли) гапларга айлантириб бўлмаслигини таъкидлаб ўтади. Унинг эътироф этишича, ҳозирги хитой тили грамматикасида мажхул нисбатли гаплар актив конструкцияли гапларга нисбатан қўлланилиш кўлами торроқ. Жуда кўп актив конструкцияли гаплар механик тарзда мажхул нисбатли гапларга айлантирилмаслигини кўришимиз мумкин. Масалан фақат 张三喜欢李四 Джанг Сан Ли Сини ёқтиради деб айтиш мумкин. Бироқ, 李四被张三喜欢 Ли Си Джанг Сан тарафидан ёқтирилади деб айтилмайди. Ёки яна бошқа мисол: 我读“红楼梦” Мен “Қизил қўшқдаги туш”ни ўқияпман “红楼梦”被我读 “Қизил қўшқдаги туш” мен тарафимдан ўқияпти деб айтилмайди.

Мажхул нисбатли гаплар одатда аллақандай кутилмаган ёки хоҳланмаган нарсани билдиради, масалан, эга тарафидан белгиланиб бахтсизлик, ҳафачилик, бирон бир кимсага фойдасиз бўлган ёки унга зиён етказадиган воқеа ҳодиса ҳақида хабар беради².

Масалан:

我们被人欺负了。 Биз одамлардан тарафидан ҳафа қилиндик.

老太太也被风吹病了。 Хола ҳам шамоллаб қолди(шамол туфайли)

我哥哥被县里拿了走。 Менинг акам уезд боилиги томонидан қамоққа олинди.

知是何三被人打死。 Маълум бўлишича Хе учинчи кимдир томонидан ўлдирилган.

Энди қуйидаги гапларнинг семантик маъноларини бир бирига қиёслаган ҳолда таққослайдиган бўлсак, нима сабабдан қуйидаги гаплар аниқ ва тушунарли эканлигини кўришимиз мумкин:

李四被张三打了一顿。 Ли Си Джан Сан томонидан бир маротаба урилди.(√)

² Ван Ли. Основы китайской грамматики. Москва, “Иностранная литература”. 1984 г., 128 стр.

李四被张三赏了十块钱。 *Ли Си Джан Сан томонидан ўн куайга мукофотланди. (X)*

张三被人毒死了。 *Джан Сан заҳарланди. (√)*

李四被人医好了。 *Ли Си даволанди. (X).*

Мазкур гапларда асосан негатив маънога эга бўлган, яъни салбий маънони ифода этган гапларда қўлланилган “被” олд кўмакчиси семантик нуқтаи назардан ҳоҳланмаган ёки исталмаган ҳаракатни ифодалаб келган. Бироқ, “даволанмоқ” ва “мукофотланмоқ” сўзларининг семантик маънолари зинҳор исталмаган ёки ҳоҳланмаган ҳодисани ифдаламайди.

Ван Лининг “Очерк грамматики китайского языка” номли рисоласида “被” олд кўмакчиси ва феълнинг мажхул нисбатига бағишланган бобларида қуйидаги фикрларга тўхталишни лозим топдик. Ван Лининг фикрига кўра, “被” олд кўмакчиси иштирокидаги мажхул нисбатли гаплар фақатгина салбий маънони англатмай, балки ижобий маънода ҳам кенг қўлланмоқда. Бунга сабаб сўнгги йилларда Ғарб грамматикасининг хитой тилига таъсири натижасидир. Унинг эътироф этишича, кўпгина газета мақолаларида шу каби ҳолатлар кузатилмоқда. Масалан:

张杨林被任命为临使。 *Джан Ян Лин консул этиб тайинланди.*

李寿彭被称为球王。 *Ли Шуо Пен теннис бўйича чемпион деб эълон қилинди.*

毛先光被新闻记者访问。 *Мао Сян Гуан газета корреспонденти томонидан интервьюга тортилди.*

Бироқ, пассив конструкциянинг европалашган қўлланилиши хали омма томонидан кенг қўлланилмаяпти. Шунинг учун, грамматик нормалар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, “被” олд кўмакчиси иштирокидаги пассив конструкцияли гаплар кутилмаган ва ҳоҳланмаган воқеа ҳодисаларни ифодалайди.

Қадимги хитой тилида мажхул нисбатли гаплар, яъни пассив конструкцияли гаплар “为...,所...” грамматик қурилмаси орқали ифодаланган. “为” сўзини ёрдамчи феъл деб ҳисобласа бўлади ва уни “被” олд кўмакчисининг аналогиси сифатида эътироф этамиз, лекин “为” пассив конструкцияли гапларда яқка ҳолда қўлланилмайди, унга албатта “所” феъл морфемаси биргаликда ишлатилади. Ҳозирги хитой тилида эса “为...,所...” мажхул нисбатли конструкция ўрнига кўпинча “被...,所...” ишлатилади.

“被” олд кўмакчисисиз мажхул нисбатли гаплар. Агар гап таркибида “被” олд кўмакчиси иштирок этмаган бўлса, мазкур гаплар актив конструкцияли гаплар билан бир ҳил шаклда бўлиб қолади. Ушбу ҳолатда гапнинг фақат семантикасига қараб фарқлаш мумкин бўлади. Хитой тилининг грамматик нормаларига мувофиқ, “被” олд кўмакчиси бир вақтнинг ўзида ҳол позициясидаги сўз қуйидаги гапларнинг ҳар бирида иштирок этмайди:

Агар иш ҳаракати ким томонидан содир этилганлигини кўрсатиш имкони ва зарурати бўлмаса, ҳол позициясидага сўз мавжуд бўлмаса“被” қўлланилмайди. Масалан:

五儿吓得哭哭啼啼。 У Эр қўрқитилиб йиглаб юборди.

两个人都该法。 Сиз иккингишни жаримага тортиш керак.

这老侯已经问了罪。 Бу қария кампирни аллақачон судлашган.

Предметга нисбатан ҳаракатни содир этадиган “把” олд кўмакчиси билан ифодаланадиган актив конструкцияли гаплар билан “被” олд кўмакчиси иштирокидаги пассив конструкцияли гапларнинг яна бир ўхшашлиги шундаки, ҳар икки турдаги гапларда ҳам инкор равишлари “把” ва “被”дан кейин қўлланилмайди. Масалан:

我把那一封信烧了。 Мен ўша хатни ёқиб юбордим. (√)

那一封信被我烧了。 Ўша хат мен томонимдан ёқиб юборилди. (√)

我把那一封信不保存。 Мен ўша хатни сақлаб қолмадим. (X)

那一封信被我不保存。 Ўша хат мен томонимдан сақлаб қолинмади. (X)

Шундай қилиб, Ван Лининг тадқиқотларидан келиб чиқадиган бўлсак, мумтоз хитой тилида мажҳул нисбатли гаплар мавжуд бўлган, бироқ предметга нисбатан ҳаракатни содир этувчи “把” олд кўмакчиси иштирокидаги гаплар бўлмаган. Ҳозирги кунда ҳам Хитойнинг айрим диалектларида “把” олд кўмакчиси иштирокидаги гаплар қўлланилмайди. Мажҳул нисбатли гапларни ифодалашда асосан “为...,所...” конструкциясидан кўпроқ фойдаланилган. Бундан ташқари, “被” олд кўмакчиси иштирокидаги пассив конструкцияли гаплар асосан Ғарб грамматикасининг таъсири натижасида хитой тилига кириб келган ва ҳозирги кунда мажҳул нисбатни ифодаловчи асосий воситадир. Ҳозирги хитой тили грамматикаси қадимги хитой тили грамматикасининг нормативларидан бироз чекинган бўлса-да, айрим сиёсий ва газета матнларида “为...,所...” конструкциясидан мажҳул нисбатни ифодалашда фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ван Ли. Основы китайской грамматики. Москва, “Иностранная литература”. 1984 г
2. 樊友新 从“被就业”看“被”的语用功能 [期刊论文] -合肥师范学院学报 2010
3. 游舒 “被××”结构的新用法及语义槽的生成 [期刊论文] -现代语文 (学术综合) 2012
4. 外国人实用汉语语法. 北京语言大学出版社, 2008 年